Маълумотларга кўра, охирги тўрт йилда киберхужумлардан жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар миқдори 4 бараварга ошди ва ушбу кўрсаткич 2022 йил давомида 8 трлн АҚШ долларидан ортди. Ўз навбатида, мутахассислар томонидан, ушбу таҳдидлар натижасида жаҳон иқтисодиётига 2025 йил якунида 11 трлн АҚШ доллари, 2030 йилга келиб эса, 90 трлн АҚШ доллари миқдорида зарар етказилиши прогноз қилинмоқда[14].

Бу эса, кибертаҳдидларни амалга оширувчи қонунбузарлар томонидан ўзганинг мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этилишида ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётганлигидан далолат бермоқда.

Мазкур қилмишларни барвақт аниқлаш ва уларга қарши курашишни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ташкил этишда аввало **ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзганинг мулкини талон-торож қилиш** тушунчасини мазмун моҳиятини англаш лозим бўлади.

Бунинг учун, дастлаб **ахборот технологиялари** тушунчасини таҳлил қиламиз. Мазкур тушунча номланиши ва мазмунига ҳалқаро ҳамда миллий ҳуқуқий нормаларда берилган таърифларда ўхшашликлар ва номувофиқликлар мавжуд. Уларда қайд этилган “ахборот-коммуникация технологиялари”, бошқаларида эса, “компьютер техникаси” сўзлари маъно жиҳатидан ахборот технологиялари сўзи билан яқин мазмунга эга.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Халқаро ва давлатлараро ҳужжатларда эса, ахборот технологиялари тушунчасига таъриф беришда ўзига хос тарзда ёндашилганлигини кузатишимиз мумкин.

Хусусан, ахборот технологиялари Бирлашган Миллат Ташкилотининг “Ахборот коммуникацион технологиялардан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси лойиҳасида[13] ахборот-коммуникация технологиялари сифатида тавсифланиб, у ахборотни яратиш, қайта ишлаш, тарқатиш жараёнлари ва усулларини, шунингдек уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларини англатиши белгиланган.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таърифга кўра, ахборот технологиялари бу – ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланадиган одамларнинг меҳнатини самарали ташкил этиш усулларини, компьютер технологияларини, одамлар ва ишлаб чиқариш ускуналарини ташкил этиш ва улар билан ишлаш усулларини, амалий қўлланилишини, шунингдек тегишли ижтимоий, иқтисодий ва маданий муаммоларни ўрганадиган ўзаро боғлиқ илмий, технологик, муҳандислик фанлари мажмуасидир[26; Б.217-219].

2003 йил 23 ноябрдаги “Компьютер жиноятлари тўғрисида” Будапешт Конвенциясида эса, компьютер тизими - бир ёки бир нечта дастурга мувофиқ ишлайдиган, маълумотларни автоматлаштирилган қайта ишлашни амалга оширадиган

ҳар қандай қурилма ёки ўзаро боғланган ёки боғлиқ қурилмалар гуруҳини англатиши назарда тутилган[4].

“Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида”ги битимга[25] (2018 йил 28 сентябрь, Душанбе) кўра, ахборот технологияари – ахборотни йиғиш, яратиш, сақлаш, тўплаш, қайта ишлаш, чиқариш, нусха кўчириш, узатиш, тарқатиш ва ҳимоя қилишни таъминлайдиган технологик комплексга бирлаштирилган усуллар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва дастурий-техник воситалар мажмуи ҳисобланади.

Шунингдек, “Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш тўғрисида”ги Араб давлатлари конвенциясида ахборот технологиялари – уларда сақланган буйруқлар ва йўриқномаларга мувофиқ маълумотларни сақлаш, саралаш, тартибга солиш, олиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқиш ва алмашиш учун ишлатиладиган ҳар қандай моддий ёки виртуал воситалар ёхуд ўзаро боғланган воситалар гуруҳи. Бу тизим ёки тармоқдаги симлар ёхуд симсиз алоқа орқали боғланган барча кириш ва чиқишларни ўз ичига олади[2], деб таъриф берилган.

Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури кўмагида нашр этилган “Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати”да[17; Б.27] ахборот технологияси тушунчасига таъриф беришда кенг маънода ва тор маънода ёндашилган.

Унга кўра, кенг маънода ахборот технологияси мисоли сифатида идора чўтидан фойдаланиш ва китобларни босишни кўрсатиш мумкин. Тор маънода ахборот технологияси атамаси ахборотга ишлов бериш учун ушбу ахборотдан фойдаланувчи жараёнларнинг сермеҳнатлигини камайтириш, уларнинг ишончлилигини ва тезкорлигини ошириш мақсадида замонавий электрон техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ эканлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, ушбу луғатда ахборот технологиясига маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш, сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш йўллари, усуллари ва услублари сифатида тавсиф берилган.

Айрим манбаларда ахборот технологиялари ўз таркибига барча турдаги ахборот ва компьютер билан боғлиқ технологияларни қамраб олиши билан аниқланади, жумладан ахборотларни сақлаш, узатиш ва қайта ишлашда қўлланиладиган дастурий ва аппарат воситалар ҳамда нусхаловчи аппаратлар, факслар, мобил телефонлар каби қурилмаларни қамраб олиши қайд этилган[30].

Хорижлик мутахассислар И.Ю.Куликова, Н.В.Муравьева, В.А.Боровых ўз қўлланмаларида[21; Б.327], “ахборот технологиялари” деганда, маълумотларни қидириш, қабул қилиш, узатиш, тўплаш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, тарқатиш ва (ёки) тақдим этиш жараёнлари, усуллари мажмуини, шунингдек ахборотдан фойдаланиш ва ахборотни ҳимоя қилишни тушунилади. Қайд этилишича, профессионал фаолиятда фойдаланиладиган барча ахборот технологиялари хулоса чиқариш учун ҳар хил турдаги маълумотларни тақдим этиш ва келгусида қайсидир бир ҳаракатни амалга оширишга ихтисослашган бўлади.

Сун ва Ховарднинг фикрига кўра[32], замонавий жамиятда ахборот технологиялари чуқур таъсирга эга ва унинг ўсиб бораётган тезлиги глобаллашувда, айниқса жорий ахборот ва маълумотларни алмашиш учун шахслар, компаниялар ва

ташкилотлар ўртасида мулоқот алмашиш учун ишлатиладиган интернет деб номланувчи бир-бирига боғланувчи компьютер тармоқлари глобал тизимидир.

Бошқа манбаларда эса, ахборот технологиялари – бу компьютер тизимлари, дастурий таъминот, дастурлаш тиллари, маълумотлар ва маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашни қамраб олувчи тегишли соҳалар тўплами[4], ахборот-коммуникация технологияларининг таркибий қисмини ифодалайди[3], деб изоҳланади.

Википедия маълумотлар базасида[17] қайд этилишича, ахборот-коммуникация технологиялари – бу ахборот технологиялари терминининг кенгайтмаси бўлиб, у телекоммуникациялар (телефон линиялари, симсиз сигналлар) интеграциясини ва компьютерларни, шунингдек зарурий корпоратив дастурий таъминотни, оралиқ дастурни сақлашни ифодалайди ва фойдаланувчиларга ахборотга кириш, сақлаш, узатиш, тушуниш ва манипуляция қилиш имконини берувчи аудиовизиул воситалар ҳисобланади.

Даниэл Чандлер ва Род Мундай эса ўз тадқиқотларида, ахборот технологиялари одатда компьютерлар ва компьютер тармоқлари билан синонимдир, лекин кенгроқ маънода ҳар қандай маълумотни электрон шаклда, шу жумладан телефонда ва телевидениеда яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва/ёки тарқатишни билдиради[12; Б.6-7], деб фикр билдирганлар.

Халқаро ва миллий стандартларда ҳам ахборот технологиялари тушунчасига тавсиф беришда ўзига хос тарзда ёндашилган.

"Тизимлар ва дастурий инжиниринг - луғат" халқаро стандартига (ISO/IEC/IEEE 24765:2017) кўра, ахборот технологиялари деганда, ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш учун зарур бўлган ресурслар[17] тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти (O'z DSt 1047:2018) 2.2.6-бандида кўрсатилган талабларга кўра, **ахборот технологияси бу:** 1) ахборот жараёнларини амалга ошириш моделлари, усуллари, йўллари ҳамда воситалари тизими; 2) ахборотни тўплаш, йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, бериш усуллари ва йўллари тизими; 3) ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун қўлланиладиган усуллар, қурилмалар, йўллар ва жараёнлар йиғиндисидир[18].

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунида ахборот технологияси – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар[19] сифатида қайд этилган.

**Муҳокама.** Юқорида кўрсатилган халқаро ва давлатлараро ташкилотлар, стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги, мустақил экспертлар томонидан ахборот технологиялари тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, бугунги кунда ахборот технологиялари тушунчасининг амалдаги таърифи унинг кўламини тўлиқ қамраб олмайди деб ҳулоса қилиш мумкин.

Хусусан, амалдаги таърифга кўра, ахборот технологиялари тушунчаси ахборотни яратиш, қайта ишлаш, чиқариш, нусха кўчириш, узатиш, ҳимоя қилиш жараёнларини қамраб олмасдан қолган, шунингдек дастурий воситаларни ҳам ўз таркибига қамраб олиши аниқ кўрсатиб берилмаган.

Фикримизча, ахборот технологиялари деганда, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, чиқариш, нусха кўчириш, узатиш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш,

ҳимоя қилишни таъминлайдиган технологик комплексга бирлаштирилган усуллар, услублар, дастурий-техник воситалар ва жараёнлар, деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу ўринда, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш ҳолатларида ахборот технологияларидан фойдаланиш белгиси ўз ичига нимани қамраб олишини кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати[31]да “фойдаланиш” сўзи – фойдаланмоқ феълининг биргалик нисбати ҳисобланади. “Фойдаланмоқ” – бирор нарса ёки имкониятдан баҳраманд бўлмоқ, уни ўз талаб ва эҳтиёжи учун ишлатмоқ, маъносини ифодалайди.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, ахборот технологияларидан фойдаланиш, айрим жиноятларнинг объектив томони белгиси, шунингдек бир қатор янги жиноятларни юзага келиши ёки мавжуд жиноий ҳаракатларни янги кўринишларини шаклланиши омили ҳисобланади.

Бу эса, ахборот технологиялари ёрдамида ўзганинг мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ янги жиноятлар содир этилиши тенденциясидан далолат беради[27]. Дарҳақиқат, ушбу жиноятлар кибержиноятчилик белгиларига эга бўлиб[29], ахборот технологиялари татбиқ этилаётган соҳаларнинг кенгайиши ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларнинг ўсиши омилларидан бири бўлиб қолмоқда[20; Б.5].

Демак, фикримизча ахборот технологияларидан фойдаланиш белгисини ифодалашда, жиноятни содир этишда техник қурилмалар, дастурий таъминот, электрон кириш воситалари, зарарли дастурлар ва бошқа қурилмалардан жиноятни содир этиш усулларини енгиллаштириш мақсадида фойдаланишни назарда тутиш лозим.

Фирибгарлик жинояти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, ахборот технологияларидан фойдаланишни фарқловчи белгилар бу ўзганинг мулкини талон-торож қилиш жиноятини содир этиш усулларини осонлаштириш мақсадида, яъни алдаш ёки жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилишни енгиллаштиришда жиноятчи томонидан ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланилади.

Ўзганинг мулки ва талон-торож қилиш тушунчалари жиноят ҳуқуқида кўплаб тадқиқотлар давомида ўрганилган бўлиб, айнан ўрганилаётган мавзу доирасида ҳам бир хил мазмун ва аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу сабабли, тадқиқот давомида қисқача тарзда таъриф бериб ўтилди.

Шу ўринда, ўзганинг мулки деганда, бошқага тегишли бўлган ашёлар, пуллар, моддий қимматликлар ёки бошқа молк-мулк тушунилади, деб айтишимиз мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида талон-торож[9] деганда ҳамма ёқдан тортқилаб талаш, ўзлаштириш, тала-тала, торт-торт, деган маъно акс этиши назарда тутилган.

Жиноий тажовузнинг предметига кўра, талон-тарожни қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) пулларни талон-тарож қилиш;

б) моддий қимматликларни талон-тарож қилиш [23].

Шу маънода, тадқиқот ишида ахборот технологияларидан фойдаланиб, ғайриқонуний равишда қўлга киритиш мумкин бўлган электрон маблағлар, моддий қимматликлар талон-торож предмети ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқида “талон-торож” тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчи ҳолатда у мулкка қарши жиноят содир этишнинг усулини ифодаласа, иккинчи ҳолатда эса, талон-торожнинг ҳар қандай шакли ва турини тавсифловчи, умумлаштирилган юридик категория, тушунча сифатида ишлатилади[30; Б.260].

Талон-торож қилиш – бу ўзганинг мулкини ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай қўлга киритиш ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида талон-торож турдош тушунча бўлиб, мулкка қарши жиноятларнинг маълум бир гуруҳини, яъни босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғриликни ўз ичига олади[24; Б.343].

Қонунчиликда мазкур санаб ўтилган жиноятлардан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғрилик ахборот технологиялари ёрдамида содир этилиши мумкин[28; Б.440-441]. Тергов ва суд амалиёти материалларини ўрганиш натижаларига кўра, ҳозирда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиш ўғрилик (31,7%), фирибгарлик (35,3%), ўзлаштириш ва растрата (33%) шаклида содир этилаётганлиги кузатилди.

Суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш маълумотлари фирибгарлик ва ўғрилик энг кенг тарқалганлигини таъкидлаган ахборот технологиялари мутахассисларининг сўрови натижалари билан тасдиқланган.

Шунингдек, бугунги кунга келиб, **товламачилик** жиноятларини содир этилишида ҳам қонунбузарлар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан фойдаланилмоқда[8].

Бинобарин, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган ўзганинг мулкини талон-торож қилиш қўшимча тавсифловчи ҳусусиятларга ҳам эга. Чунки, бу турдаги жиноятлар **ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар** ва **ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш** чорраҳасида шаклланган, уларнинг ҳар иккаласидан муайян хусусиятларни ўзлаштирган.

Масалан, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан – жиноят содир этиш усули ва воситаларини қўшимча равишда тавсифловчи хусусиятни, гумон қилинувчининг шахсини, жиноят муҳити ва жиноят изини тавсифловчи баъзи белгиларни, ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилишнинг умумий тушунчасидан эса – жиноий-ҳуқуқий ва криминалистик аҳамиятга эга хусусиятларни “ўзлаштирган”.

Ушбу жиноятлар бўйича ўзганинг мулкига тажовуз қиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатларни бирлаштирувчи омил бу – жиноятларни тайёрлаш, содир этиш ва яшириш жараёнида аппарат-дастурий воситалар ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдир. Ўз навбатида, ушбу ҳолатлар жиноятларни тергов қилишнинг асосий вазифалари, воситалари ва усулларининг ўхшашлигини аниқлайди.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиш хусусиятларини аниқлаш учун биз уларнинг турларига қисқача тавсиф берамиз.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзганинг мулкини талон-торож қилишни таснифлаш учун қуйидагиларни мезонлар сифатида белгилаб оламиз:

1) мулк тури (мулк анъанавий шаклда ёки ахборот объекти шаклида, масалан, электрон тўлов воситалари);

2) талон-торожнинг шакли (ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата);

3) содир этиш воситалари (техник қурилмалар, дастурий таъминот, электрон кириш воситалари, зарарли дастурлардан фойдаланган ҳолда);

4) ушбу гуруҳларнинг аралаш белгилари.

Ушбу жиноятлар гуруҳига ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш шаклларига қараб, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгаларнинг мол-мулкини талон-торож қилишнинг айрим турларини бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Муайян жиноятни тавсифловчи белгилар йиғиндисига қараб, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мулкка қарши жиноятлар гуруҳининг жиноий ҳаракатини содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддалар бўйича ёки қўшимча белгилар мавжудлигига қараб, ушбу моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $XX^1$ бобидаги моддалар билан умумийлигига кўра квалификацияга эга бўлиши мумкин.

**Натижалар.** Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган ўғрилик, маълум бир жиноий ҳаракат белгиларининг умумийлигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг "б" банди бўйича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $278^2$ (Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш) , $278^3$ (Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш) ва $278^6$ (Компьютер ахборотини модификациялаштириш) моддаларининг умумийлигига мувофиқ таснифланиши мумкин.

Мобил илова ёрдамида банк ҳисобварағидаги маблағларни яширин тарзда талон-торож қилиш ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган ўғриликка мисол бўлиши мумкин. Ўғрилик ҳар хил турдаги ахборот технологиялари ёрдамида, масалан, электрон рақамли имзодан ёки зарарли компьютер дастуридан фойдаланиш орқали содир этилиши мумкин. Ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг ушбу тури зарарли компьютер дастури ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда қонунбузар дастлаб жабрланувчининг шахсий аккаунтига ноқонуний (рухсатсиз) киради ва электрон маблағларни ёки бошқа мулкни яширин талон-торож қилади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган ўғриликнинг ўзига хос хусусияти жиноят содир этиш усули бўлиб, у жабрланувчи ёки бошқа шахслар жиноят содир этилганлигидан хабардор бўлмаган холда ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш ҳисобланади. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган ўғриликнинг предмети нақд пул ва электрон тўлов воситалари бўлиши мумкин.

Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми "г" банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва бошқаларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер

техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади.

Бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилган ўғрилик жиноятидан фарқлашда шуни назарда тутиш лозимки, фирибгарликда жабрланувчи алдов ёки ишончи суиистеъмол қилиниши оқибатида мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни ахборот технологияларидан фойдаланиб айбдор эгалигига ихтиёрий равишда ўтказади, бунда мулк ўз эгалигидан чиқиб кетаётганлигини жабрланувчи англаган бўлиши керак[10].

Фикримизча, агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмишни ЖК 168-моддаси учинчи қисми "г" банди билан квалификация қилиб бўлмайди. Чунки, бу ерда ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиб жиноят содир этилмаяпти, балки қалбаки ҳужжат тайёрлаш жараёни компьютер техникаси ёрдамида амалга оширилаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, шунингдек тергов ва суд амалиётида аниқ белгилар мавжудлигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "г" банди бўйича ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик сифатида квалификацияланади, шунингдек иш ҳолати ва жабрланувчини янглиштириш учун фойдаланилган технологиялар туридан келиб чиққан ҳолда тегишлилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278 прим 3 (Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш) ва 278 прим 6 (Компьютер ахборотини модификациялаштириш) моддаларининг умумийлигига мувофиқ таснифланиши мумкин.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.

Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан тугалланган деб топиш лозим.

Банклар ва бошқа кредит муассасаларидан онлайн шаклда кредит (микроқарз) маблағларини олиш мақсадида алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзга шахсга тегишли бўлган махсус идентификация талаб қилувчи техник воситалар

(компьютер, ноутбук, телефон, планшет ва ҳ.к)нинг махсус кодларидан ёки ўзга шахснинг электрон рақамли имзоларидан фойдаланиб, пул маблағлари ажратилишига ва келгусида ушбу пул маблағларидан эркин фойдаланиш имкониятини берувчи ҳисоб-рақамларга ўтказилишига эришганлик ҳолатлари фирибгарлик сифатида баҳоланиши лозим[32].

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш ва растрата қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "г" банди бўйича квалификацияга эга, аммо улар ўзлаштириш ва растрата элементларига эга бўлгани ҳолда қўшимча равишда ушбу жиноий ҳаракатни ахборот технологияларидан фойдаланиш белгиси билан тавсифлайди.

Мисол учун: банк ходими ҳисобланган фуқаро А. ўзининг кредит бўлими мутахассиси сифатидаги расмий ваколатидан фойдаланган ҳолда, фуқаро Х. ва бошқа шахсларнинг номидан гўёки банкка истеъмол кредити сўраб мурожаат қилганлиги тўғрисида компьютер дастурига атайлаб ёлғон маълумотларни киритган, кредит сифатида ажратилган маблағларни ўзлаштириб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган[12].

**Хулоса.** Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳулоса қиладиган бўлсак, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзганинг мулкини талон-торож қилиш гуруҳида ушбу жиноятларнинг қуйидаги кичик гуруҳлари ва турларини ажратиш мумкин:

1) ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган ўғрилик:

– электрон маблағларни яширин равишда ўғирлаш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "б" банди);

– ахборот тизимига рухсатсиз кириш орқали содир этилган ўғрилик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169 ва $278^2$-моддалари мажмуаси);

– зарарли компьютер дастури ёрдамида содир этилган ўғрилик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-модадси 3-қисми "б" банди ва $278^3$-моддалари мажмуаси);

2) ахборотдан технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик:

– зарарли ҳаволалар орқали ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "г" банди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $278^3$-моддалари мажмуаси);

– ахборот технологиялари фойдаланган ҳолда жабрланувчини янглиштириш орқали содир этилган фирибгарлик (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "г" банди);

– ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "г" банди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $278^2$, $278^3$ ва $278^4$-моддалари).

## Адабиётлар/Литература/References:

1. A Dictionary of Media and Communication. First Edition. Daniel Chandler, Rod Munday. Oxford University Press. ISBN 978-0-19-956875-8, https://books.google.co.uz/books?id=nLuJz-

ZB828C&pg=PA211&redir_esc=y#v=snippet&q=information&f=false;
2. Arab Convention on Combating Information Technology Offences, February 15, 2012. Not classified. | National Security Archive (gwu.edu) (Арабская конвенция о борьбе с преступлениями, связанными с информационными технологиями) (Электрон манбага мурожаат қилинган сана 04.10.2023 йил);
3. Bo-Christer Björk. 7 International Journal of Computer Integrated Design And Construction, SETO, London. Volume 1, Issue 1, May 1999 pp. 1-16;
4. Convention on Cybercrime (ETS No. 185) https://www.coe.int/en/web/conventions/full-list?module=treaty-detail&treatynum=185;
5. https://cyberleninka.ru/article/n/tselevye-kiberataki-kak-sposob-soversheniya-hischeniya-putem-ispolzovaniya-kompyuternoy-tehniki;
6. https://en.wikipedia.org/wiki/Information_and_communications_technology;
7. https://en.wikipedia.org/wiki/Information_technology#:~:text=Information%20technology%20(IT)%20is%20the,limited%20group%20of%20IT%20users;
8. https://iiv.uz/news/sevgan-qizini-yalangoch-rasmlarini-kanallarda-tarqatish-bilan-qorqitgan-kuyov-bola-qolga-olindi;
9. https://izoh.uz/uz;
10. https://lex.uz/docs/6523582;
11. https://uza.uz/ru/posts/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-31-milliondan-ortdi_435460?q=%2Fposts%2Fozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-31-milliondan-ortdi_435460;
12. https://uzreport.news/society/namanganda-bank-xodimi-mijozlarni-60-mln-somdan-ortiq-pulga-chuv-tushirdi;
13. https://www.unodc.org/documents/Cybercrime/AdHocCommittee/Second_session/Russia_Contribution_R.pdf;
14. https://www.vedomosti.ru/importsubstitution/new_technologies/articles/2023/03/14/966290-internet-neset-poteri;
15. ISO/IEC/IEEE 24765:2017 Systems and software engineering — Vocabulary (3.1966-бандида кўрсатилган) (https://www.iso.org/obp/ui/en/#iso:std:iso-iec-ieee:24765:ed-2:v1:en);
16. Karimov A.A. Qurilishda axborot texnologiyalari (o'quv qo'llanma) UDK 004(075) 007(075)© "Qurilishda axborot texnologiyalari" fanidan o'quv qo'llanma. Karimov A.A., Samarqand-2020. 6-7-б.;
17. Ахборот технологияси. Атамалар ва таърифлар. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 09.03.2018 даги 05-934 -сон қарори билан тасдиқланган ва амалга киритилган;
18. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. – Б.27. – ISBN 978-9943-11-078-6. – URL: 201https://n.ziyouz.com/books/lugatlar/Axborot%20kommunikatsiya%20 texnologiyalari%20izohli%20lug'ati.pdf?ysclid=lnbgjiyu7s274029887 (Электрон манбага мурожаат қилинган сана 04.10.2023 йил);
19. Ахборотлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 11.12.2003 йилдаги 560-II-сон;
20. Ефремова М.А. Уголовно-правовая охрана информационной безопасности: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2018. С. 5.;
21. Информационные технологии в профессиональной деятельности [Электронный ресурс] : учеб. пособие / авт.-сост.: И. Ю. Куликова, Н. В. Муравьева, В. А. Боровых; Владим. гос. ун-т им. А. Г. и Н. Г. Столетовых. – Владимир : Изд-во ВлГУ, 2023. – 327 с. – ISBN 978-5-9984-1875-4. – URL: https://dspace.www1.vlsu.ru/bitstream/123456789/11031/1/02617.pdf(Электрон манбага мурожаат қилинган сана 04.10.2023 йил);

22. Коскер, Глинн (2023), «Что такое информационные технологии? Путеводитель по миру информационных технологий для начинающих», технологический блог, Университет Расмуссена. https://www.rasmussen.edu/degrees/technology/blog/what-is-information-technology/;
23. Криминалистика дарслик ТДЮИ, 2003 й. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашриёти, 2012;
24. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашриёти, 2016;
25. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4188-сонли «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси учун 2020 йил 12 мартдан кучга кирган) url: https://lex.uz/docs/4749412;
26. Надгериева Г.О., Билута А.А. Использование информационных коммуникационных технологий в образовательном процессе // Международный журнал экспериментального образования. – 2014. – № 10. – С. 217-219; URL: https://expeducation.ru/ru/article/view?id=6077 (дата обращения: 26.03.2024);
27. Противодействие современной преступности: проблемы теории и практики: сб. науч. тр. \ под ред. Н.П. Лопашенко. Саратов: Саратовская государственная юридическая академия, 2014. С. 288.;
28. Россинская Е.Р. Криминалистика: учебник. М.: Норма: ИНФРА-М, 2012. С. 440-441;
29. Степанов-Егиянц В.Г. Методологическое и законодательное обеспечение безопасности компьютерной информации в Российской Федерации: уголовно-правовой аспект: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2016. С. 6.
30. Уголовное право. Особенная часть: Учебник для вузов/ Отв.ред. –проф. И.Я.Козаченко, проф. З.А.Незнамова, доц. Г.П.Новоселов. –3-е изд., изм. и доп. –М.: Норма, 2001. –С . 260.3;
31. Ўзбек тилининг изоҳли луғати А.Мадвалиев таҳрири остида. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf;
32. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори 23.06.2023 й. N 17 “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).